



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2012 йил 3 июль, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 130 (12.191)

Баҳоси эркин нарҳда



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб Юрбошимиз раҳнамолигида Тошкент шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Замонавий архитектура талаблари асосида янги бино ва иншоотларни барпо этиш, дам олиш масканлари, боғ ва майдонларни яратиш ҳамда аҳолига қулай инфратузилмани ташкил этиш борасида кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди.



Танловлар

ГЎЗАЛ ВА ЗАМОНАВИЙ ТОШКЕНТ

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан Тошкент шаҳрида «Гўзал ва замонавий Тошкент» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Мазкур танлов пойтахтимиз инфратузилмасини яхшилаш, аҳолига қулай шароит яратиш, замонавий ва истикболли лойиҳаларни танлаш, уларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бир сўз билан айтганда, уни ўтказишдан мақсад пойтахт кўчаларининг гўзал ва замонавий қиёфаси, безаги, биноларнинг ташқи кўриниши, шаҳарнинг ободлиги ва инфратузилмасини янада яхшилашга ҳисса қўшишдир.

Кўрик-танловга Тошкент Халқаро бизнес маркази ҳамда «Тошкент Реклама-Сервис» давлат унитар корхонаси бош-қош бўлишди. Шаҳар ҳокимлиги веб-сайти ахборот ҳамкорлигида ташкил этилган кўрикда шахримиздаги қатор корхоналар ва ҳўжалик субъектлари, жамоат ташкилотлари, ижодий жамоалар, ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари, талабалар, ташаббускор гуруҳлар, дизайнерлар ва кўпчилик фуқаролар иштирок этиш имконига эга бўлдилар.

Тўққизта номинация бўйича ўтказилган кўрик-танловга ишти-

рокчилар томонидан жами 59 та лойиҳа тақдим этилди. Ҳакамлар ҳайъати лойиҳаларни баҳолашда улардаги объектлар дизайни, визуал кўриниши, шаҳар аҳолиси учун қулай ва ҳар томонлама функционаллиги, лойиҳадан фойдаланишга қулайлиги, унинг инновационлиги, ечимининг оригиналлиги каби мезонларга алоҳида эътибор қаратишди.

— Мен бу кўрик-танловда йигма капсула кўринишидаги кафе лойиҳаси билан иштирок этдим, — дейди Хизмат кўрсатиш муассасаси дизайни лойиҳаси номинатори бўйича 1-ўрин соҳиби Архитектура ва курилиш институтининг катта ўқитувчиси Зафар Матниёзов. — Лойиҳанинг ўзига хослиги шундаки, ушбу кафе тез йиғилади, бундан ташқари уни электр ва сув билан таъминлаш имконияти бор. Асосийси эса, экологияга зарар етказмайди. Бу кафени исталган жойига олиб бориш мумкин. Агарда бу лойиҳа амалиётга татбиқ этилса, шахримиз кўригига янада кўрк қўшади ва албатта мижозларга қулайлик яратади, деган умиддам.

«Ландшафт дизайни ва кўчаларни кўкаламзорлаштириш» йўналиши бўйича Анна Касьянен-

ко, «Кўчалар чорраҳасини безаш» номинациясида «Юссо Дизайн» МЧЖ, «Турар жой мавзелирининг ички ҳудудини ободонлаштириш ва безаш» бўйича «Камистас» МЧЖ, «Кўча ва хибонлардаги кичик меъморий элементлар» йўналишида Ася Стойченко, «Шаҳар кўчалари ва биноларни ёритиш ва иллюминация орқали безаш» бўйича «В Point» МЧЖ, «Хизмат кўрсатиш муассасаси дизайни» йўналишида Зафар Матниёзов, «Майдон ва дам олиш масканларини безаш» борасида Ренета Бакировалар ғолиб бўлишди. «Кўча мебелининг замонавий намунаси» номинациясида 1-ўринга муносиб номзод топилмади, 2-ўрин эса «В Point» МЧЖ га, «Реклама конструкцияларининг такомиллашган намунаси» йўналишида 2-ўрин — «Юссо Дизайн» МЧЖ га насиб этди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва пул мукофотлари топширилди.

Шаҳримизнинг янада гўзал ва замонавий қиёфа касб этишида бундай кўрик-танловлар албатта ўз натижасини бериши шубҳасиз.

Зиёда РАСУЛОВА
Козим Улмасов олган сурат

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокорпорация, «Ўзбекино» Миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гуруҳ-иштихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишлаб ўтказадиган «Энг улуг, энг азиз» аънавий танловига тақдир этди.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Танловга «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ижодий ишлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган асарларда мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилгани, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти, хавфсизлик ва барқарорлик таъминлангани, Ватанимизнинг қудрати ва салоҳияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётгани, юртимизда амалга оширилаётган ислохот ва ўзгаришларнинг моҳияти ва аҳамияти, аҳолининг, айниқса, ёшларимизнинг онгу тафаккури, сиёсий савияси, ижтимоий фаоллиги ошиб бораётгани, қишлоқ ва шаҳарларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тубдан ўзгараётгани, ҳар бир юрдошимиз ўз истеъдоди ва қобилиятини намоён этиши учун янгидан-янги имкониятлар яратилаётгани кенг ёритилган бўлиши керак.

Шунингдек, танловга тақдим этилган материаллар ўтган давр мобайнида халқимиз мураккаб ва машаққатли йўлни босиб ўтганини, ўзининг мустақам иродаси, қатъият ва матонати ҳамда юксак инсоний фазилатларини намоён этишга эришганини, жамиятимизда миллиятлар ва фуқаролар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳити тобора мустаҳкам бўлаётганини, бетакрор меросимиз, бой тарихимиз, урф-одат ва аъналаримизнинг қайта тикланганини, одамларимизнинг дунёқараши тубдан ўзгариб, Ватан тақдири ва истикболига дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётганини, «Мустақам оила йили» Давлат дастурининг ижобий самараларини мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган бўлиши зарур.

«Энг улуг, энг азиз» танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат асарлари;
- кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
 - муаллифнинг паспорт нусхаси;
 - иш жойидан тавсиянома;
 - муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.
- Танловга 2011 йилнинг 1 августидан 2012 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадий ишлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, шунингдек, тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 5 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрами арафасида мукофотланадиган ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуг, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси.

Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79.



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Сирдарё туманидаги Пахтазор қишлоғида «Асака» банкнинг вилоят филиали томонидан ажратилган 7,5 миллиард сўм кредит ҳисобига тиббий ампулалар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу молия муассасаси корхонага айланма маблағини тўлдириш учун яна 2 миллиард 820 миллион сўм ажратди. Бу сазй-ҳаракатлар натижасида 30 та иш ўрни ташкил этилди.

● Бухоро вилоят марказидаги «Жасур Камол» хусусий корхонасида банкнинг 600 миллион сўмлик кредити ҳисобига модернизациялаш ишлари бажарилди. Натижада бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот — бўз сифати яхшиланди, иш унумдорлиги ортди, ишчиларга қўшимча қулайлик яратилди. Айни чоғда корхона жамоаси ойига 70 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб, буюртмачиларга етказиб бермоқда. Бугунги кунда шаҳарда енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 141 корхона бўлиб, мулкчиликнинг турли шаклидаги мазкур субъектлар томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 27,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

● Бўка туманидаги «Био Ҳожиметов» биологаторияси жамоаси ҳудуддаги 100 дан зиёд фермер ҳўжаликларида хизмат қилиб келмоқда. Яқинда муассаса модернизациялаштириш лойиҳаси доирасида 52 миллион сўмлик замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. Натижада буюртмачиларга кўрсатилаётган хизмат сифати янада яхшиланди. Ҳозирги пайтда вилоятда фаолият юритаётган 40 дан ортиқ биологаториялар деҳқон ва фермерларнинг яқин кўмакчиси ҳамда ишончли ҳамкорига айланганлиги, айниқса қувонарлидир.

ЖАҲОНДА

● Франциянинг «Peugeot-Citroen» концерни маъмурияти Паусси шаҳридаги бўлимида «Peugeot-208» русумидаги автомобилларни йиғиш қисқартирилишини билдирди. «Citroen-C3» савдо белгиси остида машиналар ишлаб чиқарилаётган Олнэ корхонаси фаолияти эса бутунлай тўхтатилиши мумкин. Агар шундай бўлиб чиқса, 3,6 минг нафар ходим ишсиз қолади. Концерн мутасаддиларидан бирининг изоҳлашича, мазкур ислохотлардан қўзланган асосий мақсад сарф-ҳаражатларни имкон борица қисқартиришдир.

● АҚШнинг Шимолий Каролина штатида юз берган довул оғир оқибатларни келтириб чиқарди. Жумладан, уч киши ҳаётдан кўз юмди, бир нечта турар жой биносига жиддий зарар етди. Шунингдек, табиий офат таъсири Мэриленд, Фарбий Виржиния, Виржиния, Огайо штатлари ва Колумбия округида ҳам сезилган. Шу боис мазкур ҳудудларда вақтинчалик фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Июнь ойининг сўнги кунинда жунбушга келган довул туфайли жами 13 киши қурбон бўлган.

● Австралида шу йилнинг 1 июлидан бошлаб, атмосферага чиқарилаётган зарарли газлар учун солиқ жорий этилди. Энди атроф-муҳитни углерод қимёвий моддаси билан заҳарланган йирик компаниялар унинг ҳар бир тоннаси учун 23,5 АҚШ доллари миқдорида солиқ тўлашга мажбур. — Бу қоида бекорга жорий этилгани йўқ, — дейди мамлакат бош вазири Жулия Гиллард. — Чунки экологик хавфсизликка эришишда бундай чора-тадбирлар сезиларли самара беради. Экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ушбу солиқ турунинг жорий этилиши орқали 2020 йилга бориб, Австралида йилига 159 миллион тонна углерод ҳавога чиқилишининг олди олинади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокими қарорига мувофиқ 2012 йил 7 июль кунини соат 8.00 да Тошкент шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг йигирма биринчи сессияси ўтказилади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда:

— «Мустақам оила йили» Давлат дастурининг ижроси ва 2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида;

— Маҳаллий давлат ҳокимият тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижроси юзасидан туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Олмазор ва Сергели туманлари ҳокимларининг ҳисоботлари;

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 15 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ПҚ-1756-сонли қарори ижроси тўғрисида;

— Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг фаолияти тўғрисида;

— Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари Д.Шоумаров ва Е.Борисовларнинг депутатлик фаолиятлари юзасидан ҳисоботлари;

— Тошкент шаҳар ҳокимининг 2012 йил 14 июндаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ободонлаштириш ҳамда санитария қоидаларига риоя қилинишини тартибга солиш тўғрисида»ги 495-сонли қарорини тасдиқлаш;

— Тошкент шаҳрининг санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш ва ҳудудларда тозаланиш сақлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида;

— Тошкент шаҳар ҳокимлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобидан ажратилган маблағлар бўйича қабул қилинган фармойишларни тасдиқлаш тўғрисида;

— Тошкент шаҳар ҳокимининг ер ажратиш ва ажратилган ер бўлақларини бекор қилиш тўғрисида қабул қилган қарорларини тасдиқлаш тўғрисида ва бошқа масалалар.

ни ҳимоя қилишдаги ролини ошириш мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

✓ «КАМОЛ» ЕИҲ Чилонзор туман Кенгаши томонидан «Кўча кино» лойиҳаси доирасида 179-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган болалар соғломлаштириш оромгоҳида ёш авлод вакиллари учун тарбиявий аҳамиятга

эга бўлган «Жасур» фильми намойиш этилди.

✓ БУГУН Тошкент автомобиль ва йўллар институтида битирувчиларга тантанали равишда диплом топиши маросими бўлиб ўтди.

✓ БУГУН Бектемир туманидаги

«Бектемир» маҳалласида туман хотин-қизлар кўмитаси, «Тадбиркор аёллар» уюшмаси ҳамда «Миллий банк» туман филиали билан ҳамкорликда тадбиркорликни бошламоқчи бўлган хотин-қизлар ҳамда маҳалла фаоллари учун семинар ташкилланган.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ БУГУН Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашида «Қасаба уюшма ташкилотларининг аҳолини меҳнат ҳуқуқлари-

Техника ижодкорлиги

ФОНОКАРДИОГРАФИК
ЛОЙИХА

Ўзбекистон Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамиятида техника ижодкорлиги кенг йўлга қўйилган. Тиббиёт соҳасига доир изланишлар ҳам амалиётда қўлланиб, истиқболли эканлигини намойиш этмоқда.

Шу йилнинг ўтган ойлари ҳам жамият учун самарали бўлди. Қатор янги лойиҳалар юзга келди. Улар орасида фонокардиография лойиҳаси алоҳида ажралиб турибди.

Жамият кўмагида юзга келган бу лойиҳа қатор афзалликларга эга. Инсон юрагини текшириш ва ташхис қўйишда айниқса қўл келадиган ушбу техникавий янгилик натижасида фонокардиографияда компьютердан фойдаланилган ҳолда ёзиб олинган маълумот аниқлиги ошади.

Лойиҳанинг қулайлиги яна шундаки, махсус ишлаб чиқилган дастур ёрдамида сигнални атрофдаги тадқиқ этиш имкони туғилди. Айни вақтда маълумотларни электрон тарзда сақлаб қўйиш мумкин.

Яқин келгусида ушбу изланиш шифокорлар оғирини енгил қилиши турган гап.

Фармацевтик кимё фани ривожига Тошкент Фармацевтика институтида олиб борилаётган талимий ва тадқиқотлар жараёнлари муҳим ўрин тутмоқда.

ФАРМАЦЕВТИКА
ТАЪЛИМИ ВА АМАЛИЁТ

Маълумот ўрнида шунга айтиб ўтиш жоизки, узоқ йиллар мобайнида олий ўқув юртида фақат битта йўналиш, яъни фармацевтика бўйича кадрлар тайёрланиб, давлат таълим андозалари ва ўқув режалари асосан дорихона тизимида иш юритиш, дори препаратларини сифатини назорат қилишга қаратилган эди. Фармацевтика таълими, фани истиқболларини таҳлил қилганда соҳада юз бераётган ўзгаришларни, бизда бой маҳалли хом ашё захиралари мавжудлигини инобатга олмай илоҳимиз йўқ. Бўлғуси мутахассислар институтида ноорганик, физик, коллоид, фармацевтик кимё фанларини чуқур ўрганиб, пухта билим оладилар. Дорилар технологияси, фармацевтика иқтисодиёти ва менежменти, фармакогнозия каби фанлар ўқув дастурларидан ўрин олди. «Фармакогнозия» дарслиги яратилиб, мутахассислик фанлари бўйича энг яхши ўқув

адабиёти деб тан олинди. Дори-дармонларнинг биологик самардорлиги, организмнинг дориларни қабул қилиш даражаси, фармакокинетикасига оид билимлар амалиётда ўз самарасини бермоқда. Клиник фармацевтика йўналиши ҳам амалиётга жорий этилди. «Саноат фармацевтика» ташкил этилди. Натижада республикамизда мавжуд бўлган 100 га яқин фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини такомиллаштириш учун керак бўлган малакали мутахассис-фармацевт кадрлар тайёрлаш учун пухта замин яратилди.

Институти ҳузурида мустақил иш юртида бошлаган «Дори воситаларини стандартлаш» илмий маркази фаолият кенг йўлга қўйилди. Марказ энг ноёб асбоб-ускуналар, қурилмалар билан жиҳозланди.

Эндilikда институт асбоб-ускуналарда ишлашни ўргатуви доимий тренинг маркази ҳам эга.

Акбар АЛИЕВ

Конституциямизда оила жамиятнинг асосий бўлини экани ҳамда унинг жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамлаб қўйилган. Мамлакатимизда оилани ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида изчил амалга оширилаётган ишлар самарасида ушбу қоида ҳаётимизда ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Мазкур йўналишда миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш, юртимизда оилаларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари Кўчкор ТОҒАЕВ билан сўхбатлашди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларида нафақат иқтисод ва сиёсат масалалари, балки жамиятда маънавий муҳитни мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, — дейди К.Тоғоев. — Бу борада, аввало, оила институтига катта эътибор берилиб, ажодлардан мерос аънава ва қадриятлар қайта тикланди. Зеро, оила — муқаддас қўргон, жамиятнинг муҳим бўлигидир.

Миллий қонунчилигимизни шакллантириш жараёнида оиланинг ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида аҳамият берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби «Оила» деб номланди ва унда оиланинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланган бўлди. Ушбу бобда, шунингдек, оила билан боғлиқ муносабатлар, оила аъзолари, айниқса, оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза этилиши конституциявий норма сифатида мустаҳкамлангани эътиборга моликдир.

Оила муносабатларини тартибга солуви нормалар мажмуи сифатида янги Оила кодекси қабул қилиниб, 1998 йил 1 сентябрдан қўлга киритилди. Кодексда халқимизнинг ўзига хос урф-одатлари ва аънаваларини, оилавий муносабатларнинг ривожланиши ҳамда мустаҳкамлашига фаол таъсир кўрсатишга оид барча қоидалар ва нормалар белгиланган. Унда болаларнинг оиладаги ҳуқуқлари ва ота-оналарини моддий таъминлаш тўғрисидаги мажбуриятлари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби муҳим ҳаётли масалаларга кенг ўрин ажратилган.

Оила кодексининг I-моддасида оила мустаҳкамлигини таъминлаш соҳага оид қонунчиликнинг муҳим вазифаси ва мақсади эканлиги қайд этилган. Кодексга биринчи марта никоҳ шартномаси институти, никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш, оилавий муносабатларда маҳаллий урф-одат ва аънаваларнинг қўлланиши, қон-қардошлик, болаларнинг насл-насабини белгилаш, алимент тўлаш тўғрисидаги мажбуриятлар ва бошқа қатор муҳим қоидалар киритилди. Кодекснинг 4-моддасида оила, оналик, оталик ва болаликнинг давлат ҳимоясига олинганлиги, шунингдек, оналик ва оталик иззат-иқромига ҳамда ҳурматга сазоворлиги каби нормаларнинг қайд этилгани оилага бўлган муносабат юксак босқичга кўтарилгани ифодасидир.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш вазифалари белгиланган. Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Айтиш жоизки, мамлакатимизда ҳар бир йилга ном берилган экан, ана шу мақсад йўлида амалга оширилаётган истиқболдаги режа ва мақсадларга муҳим пойдевор қўйилди. Бу эзу интилиш, айниқса, шу йўналишдаги миллий қонунчиликнинг қайта қўриб чиқилиши ва такомиллаштирилиши, янги қонунлар қабул қилинишида ёрқин намойиш бўлади.

Жорий йилда ҳам оила билан боғлиқ қонунчилик тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди. Уларни бугунги кун

талабларини ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларига оила институтини ривожлантиришга қаратилган зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, вужудга келган муносабатларни тартибга солиш мақсадида янги қонунлар, қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тайёрланаётган қонун лойиҳалари оила институти янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга бевосита дахлдор бўлиб, улар бир қатор долзарб муаммоларни ҳал қилишни кўзда тутди. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланганидек, Оила кодексига муайян ўзгариш ва қўшимчалар киритишга оид қонун лойиҳаси тайёрланди. Унда фарзандликка олиш жараёнини янада такомиллаштириш мақсадида мазкур масалани ҳал қилишни судлар ваколатига ўтказиш, шунингдек, болалар муассасасига жойлашти-

оилаларнинг мустаҳкамлиги ва фарзандлар саломатлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Таълим даргоҳларида «Ёш оила қурувчилар» мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур тизимда тиббий кўрик, оила қуриш, уни мустаҳкамловчи омиллар, ота-оналик масъулияти, фарзанд тарбияси, эрта турмуш қуриш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари каби масалалар бўйича ахборот-таълим дастурлари амалга оширилмоқда. Тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ўтказилаётган бундай тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида ёшларимизда, ота-оналарда тиббий кўриққа нисбатан муносабат тубдан ўзгарди. Таҳлилларга кўра, 1999 йилда расмий никоҳдан ўтаётган келин-куёвларнинг тўйдан олдин тиббий текширувдан ўтиш даражаси 40-50 фоиздан ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич юз фоизга етди.

Ушбу савий-харакатларнинг самаралари 2011 йилнинг ноябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзусидаги халқаро симпозиум иштирокчилари томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди.

Бу борадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида ФХДЭ органлари тизими янада такомиллаштирилмоқда. Айни вақтда бориш қийин ва олис аҳоли пунктларида тўққизта янги бўлимлар ташкил этилмоқда.

Оила мустаҳкамлиги унинг моддий барқарорлигига ҳам боғлиқ. Мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик тобора ривожланаётгани уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу йўналишда адлия идоралари томонидан

қандай ишлар амалга оширилаётган?

Оилаларнинг моддий фаровонлигини ошириш масаласи — давлатимиз раҳбарининг доимий диққат-эътиборида. Одамларнинг ҳалол меҳнат билан даромад топиши, оиласининг тўқинлигини таъминлаш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Давлат томонидан аҳолининг яшаш шaroитини яхшилаш мақсадида намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойларни қуриш, коммунал-маиший шaroитларни яратишга қаратилган дастур ҳаётга табиқ этилаётгани ҳам ана шу олихануб мақсадаги хизмат қилаётган. 2011 йилда 7 минг 400 оила замонавий шaroитларга эга ҳар томонлама қўлай уй-жойлар соҳиб бўлган бўлса, 2012 йилда 8 минг 510 оиланинг шаҳар шaroитидан кам бўлмаган ана шундай янги уй-жойларга кўчиб кириши мўлжалланмоқда.

Тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалда ўз самараларини бераётган. 2012 йил 26 апрелда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилинган оилавий бизнесни қонуний жиҳатдан белгилаш ва ривожлантиришга муҳим қадам бўлди. Қонуннинг асосий мақсади оилавий тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Оилавий корхонага кичик тадбиркорлик субъекти мақоми берилиши, ўз тўлиқ фирмага номига эга бўлиши мумкинлиги уларнинг иқтисодиётда тенг ҳуқуқ асосида эркин фаолият юритишига кенг йўл очди. Оилавий корхона фаолияти эркинлигининг кафолатларига қонунда алоҳида ўрин берилган. Унга кўра, давлат оилавий корхонанинг ҳуқуқларига риоя этилиши ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши кафолатланади, давлат органлари уни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қўмалашади.

Амалга оширилаётган бундай кенг қўламли ишлар юртимиздаги ҳар бир оиланинг ҳаёти, турмуш фаровонлиги янада юксалишига хизмат қилади.

Норгул АБДУРАИМОВА
сўхбатлашди

БҲҲҲ ДАВЛАТНИ
СОҒЛОМ АВЛОДЛАР
ҚУРАДИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика «Оила» илмий-амалий маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ҳамкорлигида «Имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган оилаларнинг ижтимоий муаммолари» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Республика Аҳоли репродуктив саломатлик маркази, «Скрининг» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Оила» илмий-амалий маркази вилоят бўлими, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессор-ўқитувчилари ҳамда ёш олимлар иштирок этди.

Перинатал патология, яъни, кичик ёшли болаларда учрайдиган касаллик белгилари болалар ногиронлигининг асосий омилларидан бири бўлиб, у боланинг умумтаълим мактабларида тахсил олишида бир қатор қийинчиликларни юзга келтиради. Бу ҳолатлар унинг келажақдаги ижтимоийлашуви жараёнига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Шу сабабдан перинатал патологияси мавжуд бўлган болаларни реабилитация қилиш, мазкур тизимда қўлланадиган педагогик технологияларни ишлаб чиқиш, педагог ва дефектолог тадқиқотчиларнинг малакасини ошириш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилган анжуманда ҳам оила институти барқарорлаштиришга қаратилган Фармон ва қарорларнинг амалдаги ифодаси сифатида оиланинг ижтимоий муаммоларини ўрганиш, имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган оилаларнинг ижтимоий-психологик, ижтимоий-педагогик, ҳуқуқий, коррекцион ва бошқа муаммоларини ёритиш ҳамда уларни бартараф этиш йўллари белгиланган.

Тадбирда алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни таълимга йўналтирувчи махсус мутахассис кадрларни қўйиштириш, мактабга таълим муассасалари таркибига ногирон болалар учун махсус ғуруҳлар ташкил этиш, нуқсонли бор, аммо, ногиронлик мақоми берилмаган ногирон болалар рўйхатини 2 ёшлигидан бошлаб туман халқ таълими бўлимида назорат қилиб бориши ҳамда уларнинг ота-оналарини, болани мактабга тайёрлаш учун бошланғич таълим дастурлари билан таъминлаш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, маърузачилар туман хотин-қизлар қўмиталари ва маҳалла жамғармалари соҳага тааллуқли дастурлар ва методик қўлланмаларни етказиб беришни, уларни қайта чоп этиришни зиммаларига олиб, узоқ ҳудудларда жойлашган таълим билан қамраб олинмаган оилаларга етказиш ишларини амалга ошириши, ногирон фарзанди бўлган оилаларда ижтимоий реабилитация ишларини имкон даражасида эрта ташкил этишга қўмалашиш, ёрдамга муҳтож, ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни парвардилаш, тарбиялаш бўйича ота-оналарнинг психологик, педагогик, тиббий билимларини ошириш, ногирон фарзанди бўлган оилалар билан ижтимоий фаолият олиб боришни йўлга қўйиш лозимлиги ҳам мутахассислар томонидан эътироф этилди.

Республикамизда ногиронлиқнинг олдини олиш бўйича бир қанча дастурлар амалга оширилаётган, — дейди Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори ўринбосари Ҳафиза Мамадалиева. — Имконияти чекланган болаларни ўз вақтида даволаш ҳамда ногиронлиқнинг олдини олишни энг аввало оиладан, яъни, ота-оналарнинг тиббий маданиятини оширишдан бошлаш ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир.

ИСТЕЪДОД ВА
МАҲОРАТ КЎРИГИ

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилиб келинаётган йирик лойиҳа — «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалига арзилар қабули бошланди. Ҳужжатлар жорий йилнинг 1 июлидан 1 октябрга қадар «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари марказларида ҳамда «Камалак» болалар ташкилотининг туман ва шаҳар бўлимларида қабул қилинади.

Фестивалда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ижодий жамоалари ёки алоҳида номзод сифатида классика, вокал, миллий чолғулар, тасвирий санъат, шеър, адабиёт ва театр сценарийси каби йўналишлар бўйича ўз истеъдодларини намойиш этишлари мумкин.

Ўтган саккиз йил давомида ўтказилган лойиҳа Ўзбекистоннинг барча вилоятларида 98 мингдан зиёд иштирокчилни бирлаштирди, улардан 2 минг 968 нафари фестивал ғолиблари бўлишди. Энг қизғин, ғолибликни қўлга киритган жажжи ширинтойлар ўз йўналишлари бўйича махсус ўқув юртига имтиёзли равишда кириш имконини қўлга киритишди.

«Янги авлод» лойиҳасининг муваффақияти Тошкент ва Самарқандда шу номли болалар ижодиёти марказларининг очилишига туртки бўлди, — дейди жамғарма матбуот хизмати раҳбари Динара Дўлтаева. — Бугунги кунда бу марказларда 2000 га яқин болалар компьютер саводхонлиги, актёрлик маҳорати, мусаввирлик, каштачилик, қўшиқ санъати, рақс, шахмат каби йўналишлар бўйича сабоқ олишмоқда. Жамғарма ташаббуси билан ўтказилаётган ва ёш иқтидор соҳибларининг истеъдодини юзга чиқаришга йўналтирилган мазкур фестивал нафақат юртимизда балки, дунёнинг қўллаб-қувватлаган мамлакатларида шўҳрат топди. Мўҳими, фестивалда ғолибликни қўлга киритган ёш иқтидор соҳиблари ҳар йили қўллаб-қувватлашга маънавий фестивалларда муваффақиятли қатнашиб, ўзбек санъатининг доврўғини оширишмоқда.

Ўтган йиллар давомида «Янги авлод» лауреатлари Сипаков номидаги халқаро хайрия фонди, Италиядаги Сити ди Канту халқаро фестивали, «Шарқ халқлари» фестивали, Португалияда ўтказилган «Эвора» фестивали, Россиядаги «Детская волна» ёш ижтимоий халқаро танловини, Италиядаги Сан-Ремо шаҳридаги рақс санъати халқаро танловларида муваффақиятли иштирок этишган. Шунингдек, Чехиядаги «Зреласек» («Кичик хондан») халқ қўшиқлари ёш ижтимоий республика танлови, «Улыбка мира» («Дунё табассуми») болалар фестивалида ҳам қатнашиб, ғолибликни қўлга киритиб келишган.

«Туркистон-пресс»

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ
МАЛАКА ОШИРИШДИ

Тинчлик — энг олий неъмат, қайси юртда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурса, ўша мамлакат ривожланади, тараққиёт сари оқимлайди. Шу боис мустақиллиқнинг дастлабки йиллариданоқ аҳолининг тинч-тотув турмушини, ҳудудлардаги барқарорлиқни таъминлаш давлатимизнинг асосий вазифасига айланди.

Ана шундай масъулиятли ва шарафли вазифани бажаришда профилактика инспекторларининг тутган ўрни беҳисс. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси ўқув полигонидида профилактика инспекторларининг касбий билим, кўникма ва маҳоратларини ошириш бўйича ўтказилган бир ойлик ўқув-йиғинлар ўзига хос аҳамият касб этади. Навбатдаги ўқув-йиғинларда 600 нафар профилактика инспекторларига сертификатлар топширилди. Ушбу тақдирлаш маросимида вазирлиқнинг масъул ходимлари, академиянинг профессор-ўқитувчилари жамоаси, ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирини, генерал-лейтенант Б.Матлубов мамлакатимиздаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда бундан 10 йил аввал ушбу назоирлари негизда ташкил этилган профилактика хизматининг тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталар экан, сертификат олаётган

соҳа ходимларини самийий таъриқлади, улар орасида машғулотлар чоғида билимга чанқоқлиги билан ажралиб турган, берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш қобилиятига эга бўлган 19 нафар профилактика инспекторларига Ички ишлар вазирлигининг фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғаларини топширди.

Ҳозирда Бухоро вилояти Қорақўл туманида жойлашган Чекерчи маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 159-сонли милиция таянч пунктида профилактика инспектори лавозимидида ишлаб келмоқдаман, — дейди лейтенант Сардор Султонов. — Маҳалламиз ҳудудида 2850 нафар фуқаро истиқомат қилади, шундан 900 нафарини вояга етмаганлар ташкил этади. Ички ишлар ўқув полигонидида олган касбий билим ва кўникмалар эртанги кунда ўзимиз хизмат қилаётган ҳудуд аҳолиси ўртасида ҳуқуқбу-



Отабек ОТАЁРОВ

Аввал хабар берилганидек, «Қабул кунни» лойиҳасининг навбатдагиси Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Мамажонов ҳузурида бўлиб ўтди.



Бош бошқарма раҳбари энг аввало мамлакатимизда истиқлол йилларида тиббиёт соҳасини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш йўналишларида олиб борилаётган ислохотлар борасида тўхталиб ўтди.

— 1990 йилдан 2011 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73,4 ёшгача, жумладан аёллар орасида 70 ёшдан 75,4 ёшгача узайди... Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимининг меъёрий-ҳуқуқий негизларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 14 та қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 га яқин Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 100 дан ортқ қарорлари қабул қилинган бу соҳага давлат томонидан берилаётган катта эътиборнинг яққол далилидир.

Шу ўринда истиқлол йилларидаги изчил ислохотлар ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтиш жоиз. 1990-1998 йилларда соғлиқни сақлашнинг миллий модели асосларини шакллантириш босқичида бир қатор ишлар амалга оширилган бўлса, кейинги босқичда Юртбошимизнинг 1998 йилдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони билан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилинди. Стратегик аҳамиятга эга ушбу ҳужжатда тиббий хизматнинг миллий моделини босқичма-босқич шакллантириб бориш билан бирга унинг устувор йўналишлари изчил ва аниқ баён этилган.

Дарҳақиқат, 1998-2011 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг асосий натижалари сифатида қуйидагиларни эслатиб ўтиш жоиз:

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий асоси яратилди.

Аввал мавжуд бўлган кўп бўғинли соғлиқни сақлаш тизими ўрнига тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий ва мақбуллаштирилган ташкилий-институцион тузилмаси қурилди.

Тиббиёт муассасаларининг тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлик даражаси ошди.

Юқори малакали тиббий ходимлар тайёрлаш ва улар меҳнатини моддий рағбатлантиришнинг янги тизими яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини қарорлари билан тасдиқланган Инвестиция дастурлари доирасида ҳамда ҳимийлик маблағларини жалб этган ҳолда пойтахт тиббиёт муассасаларида 2008-2011 йилларда жами 22,0 млрд. сўмлик қурилиш-реконструкция ишлари амалга оширилган бўлса, 2012 йил инвестиция дастурига 8 та объект киритилиб, 10,3 млрд. сўм миқдорида янги бино ва иншоотлар қад ростлаб, айримлари тазмирланди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури доирасида Жаҳон банки инвестициялари жалб қилинган ҳолда соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини ривожлантириш мақсадида 2007-2011 йилларда «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида Тошкент шаҳридаги 29 та оилавий поликлиника 344,9 минг АҚШ доллари, Осиё тараққиёт банки (АБР) лойиҳаси бўйича тўғрқ комплекси 588,4 минг доллар, КФАЭР лойиҳаси бўйича 6 та тез тиббий ёрдам кўрсатиш шифохонаси ва 2 та тўғрқ комплекси 166,3 минг доллар, жами 1,1 млн. доллар миқдоридagi замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тазмирланди.

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология ҳамда педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказлари, Тошкент шаҳар перинатал марказлари ташкил этилган мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган алоҳида эътиборнинг ифодасидир.

Статистик маълумотларга кўра, сўнгги ўн йилда туғма касалликлар билан дунёга келувчи болалар сонини 40 фоизга камайтириб, бундай эътиборли натижага замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган скрининг марказининг бўлиб этилгани тўғрисида эришилган тахсинга лойиқдир. Биргина 2011 йилда скрининг марказида текширувдан ўтган 12436 ҳомиладор аёлдан 57 нафарда туғма нуқсонли болалар туғилишининг олди олингани фикримиз исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Қарорлари ижроси бўйича 2009 йилнинг июнь ойидан ҳозирги кунгача «Фер-

тил ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш» ҳафталиклари доирасида туғиш ёшидаги аёллар ва болалар йилда 2 марта тиббий кўрикдан ўтказилиб, даволаш ва соғломлаштириш тадбирлари олиб боришмоқда.

Аҳоли ўртасида тўғри овқатланиш ҳамда микронутриент етишмаслиги ҳолатларининг олдини олиш бўйича олиб борилган тадбирлар (витамин А саплементацисия, унни фортификациялаш, ош тузини йодлаш) натижа-сида кам вазнли болалар, тўғрқ ёшидаги аёллар ўртасида камқонлик йилдан йилга камайиб бормоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган ислохотлар натижасида эришилган ютуқлар Халқаро ташкилотлар томонидан юқори даражада баҳолаб келинмоқда. 2007 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ўзбек миллий тиббиёт модели бошқа мамлакатларга намуна сифатида тавсия

Янги лойиҳалар

САЛОМАТЛИК ХАЛҚИМИЗНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИДИР

этилди. Гурур ва ифтихор билан таъкидлаш мумкинки, 2011 йилда «Save the Children» («Болаларни асрайлик») халқаро ташкилоти томонидан Ўзбекистон Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган ишлари даражаси бўйича жаҳоннинг энг ривожланган ўн мамлакатига қаторига киритилди. Мазкур халқаро ташкилот жаҳонда болалар саломатлигини ҳимоялаш бўйича энг яхши давлатлар рўйхатини тузди ва 161 та давлат ичида Ўзбекистон 9-ўринни эгаллади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги Фармони билан Республикада ягона шошилинч тиббий ёрдам тизими барпо этилган аҳолига шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш йўналишида жуда катта ва тарихий қадам бўлди, дейиш мумкин.

Бош бошқарма бошлиғи 2011 йил 25-26 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентини ташаббуси билан ўтказилган Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзусидаги Халқаро симпозиумга алоҳида эътибор қаратди.

Дарҳақиқат, ушбу анжуманда дунёнинг 37 давлатидан 207 нафар меҳмон, 19 нафар соғлиқни сақлаш вазири ва вазир ўринбосари, қатор етук клиника ва марказлар директорлари ва мутахассислари, жумладан 14 нафар академик, 147 нафар профессор, жами мингдан ортқ маҳаллий ва хорижий мутахассис, олим ва шифокорлар қатнашгани унинг нуфузи ва салоҳиятидан дарак бериб турибди, албатта.

Анжуманда иштирок этган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Маргарет Чен юртимизда амалга оширилган ислохотларга юксак баҳо бериб, асосий ютуқ – бу мамлакатнинг соғлиқни сақлаш соҳасида 4 та тамойилга, яъни **давлат сўбасати, инвестицияларни жалб қилиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва Минг йиллик Ривожланиш Мақсадларига эришишга** ривож этилаётганлиги билан боғлиқ эканини таъкидлаб ўтди. Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш соҳасида эришган ютуқлари мазкур симпозиумда иштирок этган 40 га яқин хорижий давлатлар вакиллари томонидан юксак баҳоланди.

Шуни фахр билан қайд этиш лозимки, Юртбошимиз Халқаро симпозиумнинг очилиш маросимидаги нутқларида таъкидлаб ўтганларидек: **«Бизнинг тажрибамиз соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар доимий ва узлуқсиз жараён эканидан далолат беради. Шу кунларда биз ислохотларнинг янги босқичи билан боғлиқ вазифаларни амалга оширишга киришдик».**

Чунончи, мамлакатимиз раҳбарининг ижтимоий соҳага, аниққас, соғлиқни сақлаш тизимида бўлган доимий эътибори ва бу соҳада ислохотларнинг изчил ва тизимли равишда давом эттири-

лиши 2011 йил 18 июлида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф-3676-сонли Фармойишида янада яққол ўз аксини топди. Унда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва даражасини тубдан яхшилашга қаратилган ислохотларни тўлиқ таҳлил қилиш, соғлиқни сақлаш бошқаруви самарадорлигини ошириш, тиббиёт муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини янада ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш каби долзарб масалалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан 2012-2015 йилларда республика соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштиришнинг

асосий йўналишлари белгилаб берилди. Булар:

1. Соғлиқни сақлашнинг норматив-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш.
2. Аҳолига, аниққас, қишлоқ жойларда, тиббий-санитария ёрдами сифати ва қўлайлиги даражасини ошириш.
3. Ихтисослаштирилган марказлар, шу жумладан онкологик ва сил касалликлари муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш.

4. Шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати самарадорлигини, хизматлар тезкорлиги ва сифатини ошириш.
5. Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш.
6. Соғлиқни сақлашнинг нодавлат сектори фаолиятини тартибга солиш.

«Қабул кунини»да Б. Мамажонов билан бирга унинг ўринбосарлари, тегишли йўналишлар бўйича мутасадди раҳбарлар ҳам иштирок этишди. Тушган саволлар ва мурожаатларга ўз йўналишлари бўйича масъул раҳбарлар томонидан жавоблар берилди.

М.Улуғбек тумани, Олимлар шаҳарчасидан Рисолат Хайриева саволи: Мен пенсиядан. Шифохонада даволаниш учун ордер сўраб борсам, ордер тугаганлигини айтишади. Ордерлар қанақа тартибда ажратилади?

Жавоб: Режали, яъни шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож бўлмаган беморларга, турар жойидаги оилавий поликлиникаларда диспансер назоратида бўлиб, улар ҳар 6 ойда тиббий кўрикдан ўтказилгандан сўнг курсатмаларга кўра, Тиббий танлов комиссияси ҳулосаси асосида навбат бўйича стационар шароитида даволаниш учун ордерлар ажратилади.

Яккасарой туманидан Гулнора Усмонбекова саволи: Ҳомилдорлик даврида скрининг текширувидан ўтиш тартиби қандай?

Жавоб: Ҳомилдаги ирсий касалликларни ва туғма нуқсонларни эрта аниқлаш, туғма ногиронлиқнинг олдини олиш мақсадида 1998 йилдан буён «Она ва бола скрининги» Давлат дастури асосида республикамизнинг барча минтақаларида замонавий скрининг марказлари ташкил этилиб скрининг текширувлари йўлга қўйилган. Тошкент шаҳрида истикомат қилувчи барча ҳомиладор аёллар Республика скрининг марказига бириктирилган. Улар ҳомилдорлиқнинг илк даврида, яъни 14 ҳафтагача бўлган муддатда ўз турар жойларидаги оилавий поликлиникаларда УТТ (УЗИ) текшируви орқали бошланғич скринингдан ўтказилади. Аниқланган хавфли гуруҳлар Республика скрининг марказида 16-20 ҳафталик муддатгача перинатал скринингдан ўтишлари лозим. Ушбу ўрганишлар давомида ҳомилда ирсий касаллик ёки туғма нуқсонлар аниқланса, табиийки, тиббиёт ходимлари бундай вазиятда ёки ушбу ҳомиладани тўхтатиши, агар уни даволаш имкони мавжуд бўлса, даволашни тавсия этишади. Бир сўз билан айтганда, ушбу амали-

ёт аслида аёлларимиз ва туғилажак фарзандларнинг соғлом турмушига қаратилган.

Юнусобод тумани, Муродов 2-тор кўчаси, 10-уйдан Шоира Умарова саволи: Флюорография текширувидан бир йилда неча мартаба ўтиш мақсадага мувофиқ бўлади?

Жавоб: Тиббий кўрик жараёнида барча текширувлар билан бир қаторда флюорография текшируви ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилдаги 520-сонли қарори ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2003 йилдаги 536-сонли буйруғи асосида соғлом гуруҳдаги аҳоли 2 йилда бир марта, назорат гуруҳидагилар ва хавфли гуруҳга мансублар, яъни ногиронлар, қандли диабет, ўпка касалликлари, тибхоналар, гормонал дори воситаларига боғланиб қолган шахслар, озодликдан маҳрум этилиб озодликка чиқарилганлар, шунингдек, узоқ муддатта

чет элларга бориб қайтганларнинг бир йилда бир марта флюорография текширувидан ўтказилиши белгиланган. Бошқа ҳолатларда тиббий курсатмалар ва заруриятга кўра касаллик турига асосан бундан кўпроқ ҳам текширувлардан ўтиш тавсия қилиниши мумкин.

Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 88-уйдан Гулҳебра Ваҳובה саволи: Никохдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш мажбурийми?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилдаги 365-сонли қарорига асосан барча никохланувчилар тиббий кўрикдан ўтишлари шарт.

Никохланувчилар шаҳар ва туман ФХДБ бўлимлари йўлланмаси билан турар жойларидаги оилавий поликлиникаларда, бундан ташқари 5 та йўналиш, яъни руҳий-асаб касалликлари, тери-таносил касалликлари, силга қарши ва наркологида ҳамда ОИТСга қарши кураш диспансерларида текширувлардан ўтказилади ва уларга яқини ҳулоса берилади. Тиббий кўрик даврида ёшларда қандайдир никохга монелик қилувчи касалликлар аниқланганда, уларга даволаниш ёки қонунда кўрсатилган бошқа тавсиялар берилади. Бу тадбир соғлом оилани шакллантиришга қаратилган.

Юнусобод тумани, Хотира кўчаси, 5-уйдан Сурайё Мағрупонова саволи: Стационар шароитда даволанувчи беморларга ўтказиладиган текширувлар ҳажми қандай белгиланади?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган даволаш-диагностика стандартлари асосида ҳар бир касаллик бўйича ўтказилиши лозим бўлган текширувлар меъёри белгиланган.

Юнусобод тумани, 15-мавзе, 82-уй, 5-хонадонда истиқомат қилувчи Гулҳебра Дониёрова саволи: Қизим ишга жойлаш учун тиббий кўрикдан ўтиш кераклиги тўғрисида поликлиникага мурожаат қилганда, ишга жойлашаётганлар учун тиббий хизматлар пуллик асосда амалга оширилишини айтишган. У тўлаган пули учун кассада чек қоғози олган. Ҳақиқатан ҳам тиббий кўрикдан ўтиш пулликми?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 214-моддасига асосан ишчи-ходимларнинг тиббий кўриклари иш бериувчининг зиммасига юклатилган. Дастлабки ва даврий тиббий кўриklar Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 23 июндаги 300-сонли буйруғига мувофиқ амалга оширилади. Келтирилган ҳолатда пул тиббий кўрикдан ўтказиш комиссияси қассасига тўланган ва қўлга чек берилган, демак бу текширувлар учун тўловлар қонуний равишда амалга оширилганлигини қайд этиш мумкин.

Юнусобод тумани, Кўрган кўчаси, 16-уйдан Вазира Расуллова саволи: Менинг набирам ўсмир ёшида, текширув натижасида унда ошқозон касаллиги аниқланди, қаерда даволанишни маслаҳат берасиз?

Жавоб: Юнусобод туманида «Шаҳар ўсмирлар саломатлигини тиклаш диспансери» жойлашган. Сизга ўз набирангизни ушбу даво масканига олиб боришингизни тавсия этамиз.

Учтепа тумани, 4-Тўқимачи кўчаси, 11-уйдан Ғайрат Эгамбердиев саволи: Менинг набирамда туғма юрак пороги бор, умуман, бундай касалликка дучор бўлган болалар қаерга мурожаат қилиши ва малакали даволаниши мумкин?

Жавоб: Сизга энг аввало, яшаш манзилингиз бўйича ҳудуд шифокорига мурожаат қилишни маслаҳат берамиз. Бундай беморлар текширув натижаларига кўра, консерватив ёки жарроҳлик йўли билан даволандилар.

Консерватив даволаш учун 4-сон Шаҳар болалар шифохонаси, шунингдек, Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти клиникасини тавсия қиламиз.

Агарда текширишлар жарроҳлик йўли билан даволашни тақозо қиладиган бўлса, Республика ихтисослаштирилган Хирургия маркази ёки Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти клиникасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Юнусобод тумани, Қозогистон кўчаси, 5-уйдан Назира Нахимова саволи: Бизда шифохоналарда тиббий хизматдан кўнглимиз тўлмай қолади, бир томонда шифокорларнинг муомаласи, иккинчи томонда уларнинг малакаси асосли эътирозимизга сабаб бўлиши мумкин. Айтинг-чи, айрим касалхоналарда кўрсатилаётган тиббий хизматдан қониқмаганлар қаерга мурожаат қилишлари мумкин?

Жавоб: Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамшаҳарларимизга шуни маълум қиламизки, агарда сиз тиббиёт муассасаси хизматидан, шифокорларнинг малакаси ёки олайлик, муомаласи ва хатти-ҳаракатларидан кўнглингиз тўлмаса ушбу муассаса раҳбариятига ёки мазкур туман тиббиёт бирлашмаси раҳбариятига, бунга ҳам қониқши ҳосил қилмасангиз, 233-65-71, 233-65-67 рақамли «Ишонч телефони» орқали шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига мурожаат қилишингиз мумкин.

М.Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 5-уйдан Фуқаро Баҳрихон Мухамедова саволи: Поликлиникаларда тиббий хизмат бепул эканлиги ёзиб қўйилганига гувоҳ бўламиз. Айтинг-чи, Тошкент шаҳрида жойлашган шифохоналарда кимлар бепул даволаниш ҳуқуқига эга?


Жавоб: Тошкент шаҳрида жойлашган шифохоналарда қуйидаги имтиёзли тоифадаги беморлар бепул даволаниш ҳуқуқига эгадирлар:

- I ва II гуруҳ ногиронлари
- болалардан ногиронлар;
- чин етимлар;
- Чернобыль АЭС ҳалокатида қатнашган ногиронлар;
- Афғон уруши қатнашчилари;
- 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчилари, 1941-1945 йиллардаги меҳнат фронти қатнашчилари;

- Ёшга оид ишламайдиган пенсионерлар;
- фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларидан моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оилалар аъзолари;
- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларга чалинган беморлар;
- 15-17 ёшли ўсмирларнинг ҳамда қақирув комиссияларининг йўлланамалари билан қақирув ёшидаги (18-27 ёш) шахсларни текширувдан ўтказиш ва даволаш давлат томонидан бепул амалга оширилиши кафолатланган.

«Қабул кунини» давомида бош бошқарма мутасаддилари ўз соҳалари бўйича саволларга жавоблар беришди. Шу билан бирга, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Аxbорот хизмати фуқароларнинг ушбу соҳага тегишли бўлган саволлари ва мурожаатлари бўйича ишларни давом эттирган ҳолда ҳокимият сайти ва электрон манзилига бундан буён ҳам келиб тушадиган барча мурожаатлар жавобсиз қолдирилмаслиги, шу билан бирга, бош бошқарма «Ишонч телефони» ҳамиса фуқаролар хизматига эканини эслатиб ўтишни жоиз деб билади.

Хусан ЭРМАТОВ,
Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Аxbорот хизмати раҳбари



Таниқли «Pine Leaf Boys» гуруҳи «Маданият элчилари жаҳон бўйлаб» дастури доирасида юртимизда иккита концерт берди. Концертлар Бухородаги қадимий амфитеатрда ҳамда Тошкентдаги «Туркистон» саройининг ёзги сахнасида бўлиб ўтди.

Санъат

МАҲОРАТ ДАРСЛАРИНИ ЎТКАЗИШДИ

Мазкур муסיқий гуруҳ 2009 йилдан буён ўз маҳоратини жаҳон бўйлаб намойиш этиб келмоқда, у илгари Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Латвия, Дания ва Словенияда, шунингдек, Куддусда концертлар берган. Тўрт қарра Грэмми мукофотиға номзоди қўйилган «Pine Leaf Boys» гуруҳи ўзининг ҳажун муסיқаси ва жўшқин ижроси билан ажралиб туради.

Ўзбекистонда иккита концертдан ташқари, «Pine Leaf Boys» мамлакатимиздаги муסיқа мактабларида маҳорат дарсларини ҳам ўтказиб, уларда Америка жанубий штатлари муסיқасининг ўзига хос томонлари хусусида талабаларга сабоқ берди. Тошкентда оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашган гуруҳ аъзолари Ўзбекистон ва Ўзбекистонликлар ҳақида илиқ фикрларни билдиришди. Гуруҳ аъзоларидан бири — аккордеон, скрипка ва вокал ижрочиси Уилсон Савой ўз интервьюсида «Ўзбекистон бизга жуда ҳам ёқди. Қадимий шаҳарлари билан маъшур юртингизнинг иклими бизнинг Луизиана штати об-ҳавосига ўшаб кетар экан. Биз мамлакатингизда атғи бир неча кун бўлсак-да, катта таассуротлар билан Ўзбекистон билан хайрлашаёلمиз. Бу ерда бизни жуда яхши кутиб олишди.

Биз кўп мамлакатларда бўлганмиз, бироқ меҳрни кўпроқ Ўзбекистонда кўрдик, кўлаб мухлисларга эга бўлдик», деди. У ўз сўзига қўшимча қилар экан «Ўзбекистон истеъодлар мамлакатидир. Биз Успенский номидаги муסיқа мактабида бўлганимизда, маҳаллий миллат болаларининг миллий қолғу асбоблардан ташқари Европа халқларининг қолғуларидан маҳорат билан фойдаланган ҳолда жаҳон муסיқаси дурдоналарини ижро этишларини кўриб, уларнинг истеъдодига тан бердик. Бундай ҳодисани биз бирор-бир мамлакатда кўрмаган эдик», дея қайд этди.

Гуруҳ аъзолари қадимий Бухородан олам-олам таассурот олганликларини завқу шавқ билан таъкидладилар. «Кечкурун шаҳардаги минора ва биноларнинг мувофиқ чикишга муваффақ бўлдик. Ўзимизни ҳақиқий эртақлар шахрига тушиб қолгандек ҳис қилдик. Биргаликда суратга тушиб, интернет орқали Америкадаги қариндошларимиз, танишларимизга юбордик. Улар йўллаган жавобларида мўъжизалар шаҳрини кўрганамиз учун бизга ҳавас қилишларини маълум қилдилар», деди гуруҳ хонандаси Уилсон Савой.

Шарофиддин
ТУЛАГАНОВ



Ёз ўтмоқда соз

Спорт

ҲАВАСКОРЛАР ВЕЛОМАРАФОНИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ҳаваскор велоспортчилар ўртасида анъанавий республика веломарафони ўтказилди.

Бу йилги веломарафони ҳам анъанага мувофиқ болалар, фарқийлар ва профессионал велоспортчилар бошлаб берди. Шундан сўнг ҳаваскор спортчилар ўз ёш тоифалари бўйича баҳс олиб борди.

Эртақлар пойғасида пойтахтлик Алексей Смирнов маррага биринчи бўлиб етиб келди. Яна бир пойтахтлик спортчи Руслан Михайлов иккинчи ва фарғоналик Ғанишер Нурматов учинчи ўринни эгаллади. Хотин-қизлар ўртасида пойтахтлик Евгения Тарасенко ғалаба қозонди. Иккинчи ва учинчи ўринлар сурхондарёлик Нигора Мухаммадиева ва қорақалпоғистонлик Дилором Сейтовага насиб этди.

— Мазкур марафонда илк маротаба иштирок этиб, совриндор бўлганимдан хурсандман, — дейди ҳаваскор

велоспортчи Д.Сейтова. — Ўзим баскетбол билан мунтазам шуғулланаман. Таъкидлаш жоизки, юртимизда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар яратилиши, йирик мусобақаларнинг ташкил этилиши, аввало, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб вояга етказишга хизмат қилмоқда.

Қатта ёшдаги спортчилар баҳсида Сергей Логутин шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Хотин-қизлар ўртасида Светлана Исаева бош совринни кўлга киритди.

Байрам АЙТМУРДОВ,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога Зангиота тумани СИБ томонидан № 3966/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и/ч. «ЭО-2621В2» русумли, д/р. 33-12 ЕР бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 879 000 сўм. Зангиота тумани ИИБ жарима майдончасида сақланмоқда. Савдога Охангара тумани СИБ томонидан 06.03.2012 й. № 769-сонли ижро ҳужжатига асосан 1991 й. и/ч. «ТЦ 11М-1/20» русумли, д/р. 10 1799 АА бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 000 000 сўм ва 1986 й. и/ч. «Камаз 5410» русумли, д/р. 10 Е 343 ЕА бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 000 000 сўм. Охангара шаҳар Холмухаммедов кўчасида жойлашган нотураж жой биносида сақланмоқда. Савдога Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 16.01.2012 й. № 371-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч. «Матиз» русумли, д/р. 01 У 036 АА бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 9 719 775 сўм. Савдога Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 07.02.2012 й. № 1497-сонли ижро ҳужжатига асосан 1992 й. и/ч. «Опел Вектра» русумли, д/р.сиз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 390 200 сўм. Чирчиқ шаҳар ИИББ ИПХ жарима майдончасида сақланмоқда. Савдога Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 29.04.2011 й. № 4160-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и/ч. «Москвич-412» русумли, д/р. 11 Т 5619 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 903 960 сўм. Чирчиқ шаҳар Зеромилер МЧЖда сақланмоқда. Савдога Олмалик шаҳар СИБ томонидан 09.04.2012 й. № 4970-сонли ижро ҳужжатига асосан 2001 й. и/ч. «Нексия» русумли, д/р. 11 S 1020 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 855 335 сўм. 1-сонли Ички ишлар бўлимида сақланмоқда. Савдога Чиноз тумани СИБ томонидан 16.01.2012 й. № 2-164/02-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти Чиноз туманидаги «Чиноз Пахта тозалаш заводи» ОАЖда сақланаётган: 1. Махсус кий

им 500 дона. Бошланғич баҳоси — 13 000 000 сўм. 2. Шетка меҳнат 2000 дона. Бошланғич баҳоси — 9 000 000 сўм. 3. НШ насос 1 дона. Бошланғич баҳоси — 4 000 000 сўм. 4. Вентилятор ВЦ 12 1 дона. Бошланғич баҳоси — 8 252 500 сўм. 5. Вентилятор ВЦ 12 1 дона. Бошланғич баҳоси — 5 652 500 сўм. 6. Автомат 160А 5 дона. Бошланғич баҳоси — 2 500 000 сўм. 7. Элдвигатель 1 дона. Бошланғич баҳоси — 24 500 000 сўм. 8. Редуктор РУ 2 дона. Бошланғич баҳоси — 13 120 000 сўм. 9. Вентилятор ВЦ 12 2 дона. Бошланғич баҳоси — 25 290 000 сўм. 10. Вентилятор қаноти 2 дона. Бошланғич баҳоси — 3 908 000 сўм. 11. Изолятор подстанция учун 4 дона. Бошланғич баҳоси — 1 000 000 сўм. 12. Корпус подшипник 3 дона. Бошланғич баҳоси — 150 000 сўм. 13. Вентилятор ВЦ 8 5 дона. Бошланғич баҳоси — 29 450 000 сўм. 14. Асинхрон электродвигатель АО2 2 дона. Бошланғич баҳоси — 27 200 000 сўм. 15. Электродвигатель АИР250С2 1 дона. Бошланғич баҳоси — 13 600 000 сўм. 16. Брезент материалдан тент 50 дона. Бошланғич баҳоси — 36 250 000 сўм. 17. Кури-тувчи шкаф ШСХ-1 1 дона. Бошланғич баҳоси — 24 225 000 сўм. 18. Биологик микроскоп МБУ-6 1 дона. Бошланғич баҳоси — 427 500 000 сўм. 19. Вентилятор ВЦ 10 1 дона. Бошланғич баҳоси — 8 664 000 сўм. 20. Центрифуга 1 дона. Бошланғич баҳоси — 26 600 000 сўм. 21. Автомобиль тарозиси 30 тонналик, 1 дона. Бошланғич баҳоси — 76 000 000 сўм. 22. Асинхрон электродвигатель АО2 1 дона. Бошланғич баҳоси — 13 569 760 сўм. 23. Дожин лаборатор 1 дона. Бошланғич баҳоси — 33 705 430 сўм. 24. Икки табақали эшик 1 дона. Бошланғич баҳоси — 1 200 000 сўм. 25. Электродвигатель 5 АМХ180С4У3 6 дона. Бошланғич баҳоси — 27 900 000 сўм. 26. Электродвигатель АИР225М4У2 2 дона. Бошланғич баҳоси — 22 809 600 сўм. 27. Газ ҳозони 1 дона. Бошланғич баҳоси — 3 002 000 сўм. 28. Автоматик газ иситиги 1 дона. Бошланғич баҳоси — 2 375 000 сўм. 29. Станина 4 дона. Бошланғич баҳоси — 494 000 сўм. 30. Бензин генератори 1 дона. Бошланғич баҳоси — 2 700 000 сўм. 31. Бензин генератори 1 дона. Бошланғич баҳоси — 2 700 000 сўм. 32. Бензин гене-

ратори 2 дона. Бошланғич баҳоси — 7 200 000 сўм. 33. Вентиляторни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун проектор ВЦ 10 2 дона. Бошланғич баҳоси — 1 140 000 сўм. 34. Вентиляторни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун проектор ВЦ 12 2 дона. Бошланғич баҳоси — 1 197 000 сўм. 35. Канат 300 дона. Бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм. 36. Подшипник 6306 200 дона. Бошланғич баҳоси — 3 045 200 сўм. 37. Подшипник 6304 200 дона. Бошланғич баҳоси — 2 870 400 сўм. 38. Подшипник 6305 200 дона. Бошланғич баҳоси — 2 995 200 сўм. 39. Подшипник 11210К 400 дона. Бошланғич баҳоси — 14 055 600 сўм. 40. Подшипник 11204К 400 дона. Бошланғич баҳоси — 13 228 800 сўм. 41. Подшипник 11207К 200 дона. Бошланғич баҳоси — 6 935 800 сўм. 42. Подшипник 11310 115 дона. Бошланғич баҳоси — 5 635 000 сўм. 43. Автоматик ўчирғич 67 дона. Бошланғич баҳоси — 4 727 520 сўм. 44. Автоматик ўчирғич 25 дона. Бошланғич баҳоси — 12 862 500 сўм. 45. Электромагнит контакторлар 2 дона. Бошланғич баҳоси — 8 000 000 сўм. 46. Электромагнит контакторлар 4 дона. Бошланғич баҳоси — 12 000 000 сўм. 47. Пилли ЧХ 8000 дона. Бошланғич баҳоси — 36 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 3 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 3 август куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 20 август куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИНИНГ АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 1048 8730 5002, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Ўртачирчиқ тумани СИБ томонидан 17.01.2012 й. № 1135/23118-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Янги Хаёт кўрғонига жойлашган бино ва иншоотлар. Бошланғич баҳоси 16 620 000 сўм. 2. Ўртачирчиқ тумани СИБ томонидан 13.02.2012 й. № 1117/21676-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Ангор к.ф.й.да жойлашган бино ва иншоотлар. Бошланғич баҳоси 187 500 000 сўм. 3. Оққўрғон тумани СИБ томонидан 01.05.2012 й. № 11-1131/25467-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Х. Олимжон ф/у, Қуштепа қишлоғида жойлашган тўйхона бино ва иншоотлар. Бошланғич баҳоси 498 771 000 сўм. 4. Олмалик шаҳар СИБ томонидан 02.12.2011 й. № 12963-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар, Чамбил кўчаси, 2-уйда жойлашган бино ва иншоотлар мажмуаси. Бошланғич баҳоси 1 445 492,981 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 3 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 3 август куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 20 август куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИНИНГ АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 1048 8730 5002, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76. Лицензия: RR-0052



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Кўпчилик кўп нарсани билади.

Баъзи ишлар гапириб ўтиришга арзимади.

Жаҳолатда ҳалокат бор.

Одамзоднинг кўзи пешонаси тақ этиб деворга текканда очилади.

Ким ўзига йўл очади, ким ўзгага.

Жисм заиф бўлса, руҳ ҳам кучли бўлмайди.

Гўзал ва ёқимли овоз ҳамиша ҳам чиройли ва келишган қадду қоматдан дарак бермайди.

Одам боласининг бирор тинч куни йўқ.

Ҳурматни сотиб олиб бўлмайди.

Муסיқа руҳни аллалайди.

Муҳаббат марднинг асири.

Кўрқоқлик нафрат уйғотади.

Сендан фойдалангандан ҳам бошқалар фойдаланади.

Бу ҳаётда ютуқ ва ютқиқлар мутасил ўрин алмашиб туради.

Биз яхши деб ишонганимиз кўпинча ёмон, ёмон деб ўйлаганимиз эса яхши бўлиб чиқади.

Айбни ўзидан қидириши учун кишида ақл бўлиши керак.

Аввало бир фикрга келиш қийин, бир фикрга келдингми, уни ўзгартириш қийин.

Дардларининг илдиизи асабда эканлигини кўпчилик ўйлаб ҳам кўрмайди.

Кувончингни баҳам кўр,
Дарду ғамингни яшир.

Ота-она бўлиш ўзингни унутиб, болаларинг учун яшашдир.

Кимга узун бўй берган,
Кимга узун ўй берган.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Кўкалдош ўрта махсус ислом билим юрти томонидан 2009 йил июлда Усманов Илҳом Бакирович номига берилган CN0002534 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Яккасарой туманидаги 26-сонли ўрта мактаб томонидан 2001 йилда Арипова Шоира Равшановна номига берилган О'Р-З 0913448 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Жа иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 4 июлда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратлади. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-и тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 4 июль куни ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-и тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz
Буюртма Г. 741

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39
Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Навр курсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
5102 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашри етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ